

## Х. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** 2017 йилнинг январь-сентябрида автомобиль транспорти томонидан 29,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 113,2 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 779,2 млн. тн–км.ни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,9 фоизга ўсди.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2017 йил январь-сентябрь	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юклар, млн. тн.</b>	<b>29,8</b>	<b>113,2</b>
автомобиль транспортида	29,8	113,2
<b>Юк айланмаси, млн. тн–км</b>	<b>779,2</b>	<b>104,9</b>
автомобиль транспортининг	779,2	104,9

Автомобиль транспортида 29,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 13,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 779,2 млн. тн–км.ни ташкил қилди ва 4,9 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 103,2 фоизга кўпайди ва 661,3 млн. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 84,9 фоизни (2016 йилнинг январь-сентябрида 86,3 фоизни) ташкил этди.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,3 фоизга кўпайди ва 148,7 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 5,2 фоизга кўпайиб, 1 615,8 млн. йўловчи–км. ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича  
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

	<i>2017 йил январь– сентябрь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>148,7</b>	<b>100,0</b>	<b>104,3</b>
автомобиль транспортида	148,7	100,0	104,3
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км</b>	<b>1,6</b>	<b>100,0</b>	<b>105,2</b>
автомобиль транспортининг	1,6	100,0	105,2

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 98,9 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 88,8 фоизни ташкил қилди.